

3/2022,
may-iyun
(№ 00059)



МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВИ АМАЛИЁТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Бахтиёр Бобур Баходир ўғли

ЎЗМУ, "Макроиктисодиёт" кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.
Тошкент, Ўзбекистон. bobur.baxtiyorov91@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a12

Аннотация

Мақолада Марказий Осиё мамлакатлари саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ҳозирги ҳолати, ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон амалиётида саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ривожланиш тенденциялари қиёсий таққосланган ҳолда, улардаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: инновация, инновацион бошқарув, инновацион лойиҳа, инновацион ҳамкорлик, инновацион маҳсулот, инновацияларни ўзлаштириш, инновацияларни узатиш

Аннотация

В статье анализируются современное состояние и особенности инновационного управления промышленными предприятиями в странах с формирующейся и развивающейся рыночной экономикой. В частности, в практике стран Центральной Азии проводится сравнительное сравнение тенденций развития инновационного менеджмента промышленных предприятий, выявляются существующие проблемы и разрабатываются научные предложения и практические рекомендации по их решению.

Ключевые слова: инновации, управление инновациями, инновационный проект, инновационное сотрудничество, инновационный продукт, инновационное развитие, трансфер инноваций.

Abstract

The article analyzes the current state and features of innovative management of industrial enterprises in countries with emerging and developing market economies. In particular, in the practice of the countries of Central Asia, a comparative comparison of the trends in the development of innovative management of industrial enterprises is carried out, existing problems are identified and scientific proposals and practical recommendations for their solution are developed.

Key words: innovation, innovation management, innovation project, innovation cooperation, innovation product, innovation development, innovation transfer.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига инновацион лойиҳаларни жорий этишни жадаллаштириш, жумладан, саноат корхоналари томонидан

инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бошқарувга оид инновациялардан амалиётда кенг фойдаланиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал рейтинглардаги кўрсаткичларини янада оширишга қаратилган ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс халқаро рейтинги кўрсаткичлари тизимида жаҳоннинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига киришига эришиш бўйича узоқ муддатли стратегик вазифаси белгиланган [1].

Ўзбекистонда сўнги йилларда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган итлоҳотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал итлоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”[2], деб айтган фикрлари кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асосларини тадқиқ этиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инновация атамаси лотинча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, янгилаш, ўзгартириш киритиш деган маънони англатади. Ушбу атама иқтисодий адабиётга илк бор Й. Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, олим инновация иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф беради: “янги турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари, жумладан, корхоналарнинг эгаллаган бозор ҳажмини оширишда ноодатий шаклдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш амалиётини ташкил этиш, янги турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиши ёки уларни амалиётга татбиқ этилиши инновация деб баҳоланади” [3].

Э. Дандон [4] ўз изланишларида корхона бошқаруви жараёнида инновациянинг креативлилик, стратегия, амалга ошириш (реализация) ва фойдалилик каби таркибий компонентларга эга бўлишини ажратиб кўрсатади.

А.Н. Храмцова ва А.А. Ахматовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда корхоналар бошқаруви жараёнида инновация иқтисодий категориясининг мазмунини ёритишда иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин бўлади:

- инновация иқтисодий категориясининг мазмунини янгилик, нау-хау билан боғлиқ ҳолда тушунтириш;

- инновациянинг мазмунини ёритишда янги бир маҳсулотни ишлаб чиқариш, жумладан, унинг техник ва технологик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бутун бир жараён сифатида тушунтириш;

- инновация мазмунини ёритишда янги ғоя ва фикрларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, янги шаклдаги такомиллаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида баҳолаш [5].

Ўзбекистонлик Ш.Н. Зайнутдинов [6], А.А. Мадалиев [7], Д. Шодиева [8], Н.М. Расулов [9], Ш.Г. Акрамова [10], О.Э. Эрназаров [11] каби иқтисодчи олимлар ўз илмий изланишларида саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда инсон омилининг ўрни, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда юқори малакали кадрларга бўлган талаб, жумладан, саноат корхоналари бошқаруви самарадорлигини оширишда инновацион ишланмалардан фойдаланишнинг услубий асослари ўрганилган.

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий ишларида саноат корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда,

тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтириш, саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, кўтилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Жаҳонда глобаллашув дараёнларининг чуқурлашуви шароитида бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривжланаётган мамлакатларнинг глобал қўшилган қиймат занжиридаги иштирокини кучайтириш, мамлакатларда ҳом ашё ишлаб чиқаришдан фан сиғимкорлиги юқори бўлган, инновацион технологияларга асосланган саноат маҳсулотлари (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ўтишга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Ишлаб чиқариш муносабатларининг глобал миқёсда ривожланиш тенденциялари таҳлиliga кўра, максимал иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллашуви мамлакатларни хом-ашё экспорт қилишдан импорт компонент, масалан матодан фойдаланган ҳолда мураккаб бўлмаган истеъмолга тайёр саноат маҳсулотлари (масалан, тайёр кийим) экспорт қилишда кузатилади. Шунингдек, чекланган миқёсдаги ишлаб чиқаришдан ривожланган қайта ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ўтиш пировард натижада инновацион фаолиятга ўтиш ишловчиларни касбий малакаси, боғлиқлиги ва тартибга солувчи идораларга нисбатан кескин юқори талабларни қўяди. Жумладан, саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариш жараёнига янги, юқори технологияларни жорий этиш ташқи савдо ўсишини жадаллаштиради. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривжланаётган мамлакатларда автоматлашув ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат сиғимкорлиги паст бўлган услубларни қўллаш ва меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларга бўлган талабни қисқартиради.

Мамлакатимизда саноат корхоналарини инновацион ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самарадорлиги кўрсаткичларини қиёсий таққослаш учун бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривжланаётган мамлакатлар қаторига кирувчи Марказий Осиё мамлакатлари амалиётини тадқиқ этишни лозим деб топдик. Хусусан, ушбу минтақада жойлашган Озарбайжон, Қозғистон, Қирғистон, Тожикистон, Турманистон ва Ўзбекистон мамлакатлари Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) “Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти учун Махсус дастури” (СПЕКА) иштирокчилари ҳисобланишади. Ушбу дастур доирасида унда иштирок этаётган СПЕКА мамлакатлари томонидан 2030 йилга қадар бўлган муддатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун миллий иқтисодиёт тармоқларида технологик ўзгаришларни рағбатлантиришга йўналтирилган ислохотларга устуворлик қаратилмоқда. Шунингдек, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) ва Осиё ва Тинч океани минтақсининг иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ОТОМИИК) билан ҳамкорликда СПЕКА мамлакатлари иқтисодиётини 2030 йилга қадар бўлган муддатда инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастури ҳам қабул қилинган.

Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, СПЕКА мамлакатларида илмий-техник тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати ва уни амалга ошириш дастакларида муаммоли ҳолатлар етарлича эканлиги аниқланган. Жумладан, мамлакатларда инновацияларни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг оперативлиги нуқтаи-назаридан, амалга оширилиши режалаштирилаётган сиёсат билан инновацияларни бошқаруви амалиёти ўртасида кескин тафовутлар мавжуд бўлиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш учун давлат маблағларини ажратилишида рақобат курашининг эътиборсиз қолдирилиши. СПЕКА мамлакатлари томонидан илмий-техник тадқиқотларни молиялаштириш амалиётига рақобат курашини ҳаракатлантирувчи элементларни жорий этишга қаратилган чоратадбирларни амалга оширилганлигига қарамай, уларни амалиётга жорий этиш жараёнларида муаммоли ҳолатлар мавжуд. Жумладан, илмий-техник тадқиқотлар соҳасини молиялаштиришнинг ҳар бир босқичларида конкурсларни эълон қилиш, олинган илмий-амалий натижаларни тижоратлаштириш, саноат корхоналарининг инновацион ишланмаларга бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш каби масалаларга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги;

- СПЕКА мамлакатларида илмий-техник тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш дастаклари яхши йўлга қўйилмаганлиги. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланиладиган кичик ва ўрта корхоналар инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлашни кафолатлаш дастаклари, шунингдек, инновацион ишланмаларни бутун ҳаётийлик цикли давомида молиялаштириш, илмий-техник тадқиқотлар соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича грантлар, шунингдек, субсидиялар ажратиш каби дастаклар аксарият СПЕКА мамлакатлари томонидан амалиётга жорий этилмаганлиги (1-жадвалга қаранг);

- инновацион лойиҳани ишлаб чиқишни дастлабки босқичларини молиялаштириш амалиётининг мавжудлиги. Мазкур мамлакатлар иқтисодиёти молиявий ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси мавжудлиги ҳисобига шундай ҳолат кузатилади. Бу эса инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурлари самарадорлиги кўрсаткичига ўз салбий таъсирини кўрсатган ҳолда, кўзланган натижаларга эришиш имконини бермайди;

- СПЕКА мамлакатлари иқтисодиётида хусусий секторда хўжалик фаолияти юритувчи саноат корхоналари инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дастакларнинг таъсиридан ташқарида қолиб кетган. Хусусан, ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати дастаклари таркибида хусусий сектордаги саноат корхоналари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш имконини берувчи дастакларнинг улуши кам бўлиб, аксарият ҳолатларда саноат корхоналари томонидан улардан фойдаланиш имконияти чекланган ҳисобланади;

- ушбу мамлакатлар гуруҳида илмий-техник тадқиқотларни ишлаб чиқиш жараёнлари корхоналарнинг инновацион лойиҳалар бўйича мавжуд эҳтиёжлари, шунингдек, бозордаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилмаганлиги. Жумладан, илм-фан соҳаси билан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳисобига инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражасини пастлиги, ёки умуман мавжуд эмаслиги [12].

СПЕКА мамлакатлари амалиётида илмий-техник тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш дастаклари [12]

Инновацион ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш дастаклари	Озарбайжон	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Туркменистон	Ўзбекистон
Фундаментал тадқиқотлар учун ажаратиладиган грантлар	X ¹⁾	X	X	X		X
Амалий тадқиқотлар учун ажаратиладиган грантлар	X ¹⁾	X	X	X		X
Инновацион стартаплар учун грантлар	X ¹⁾	X	X	X ⁴⁾	X	X
Инновацион ваучерлар		X ³⁾				
Инновацион стартаплар учун мураббийлик дастурлари	X	X	X			X
Инновацион стартаплар учун конкурслар	X	X	X	X	X	X
Инкубацион ва акселерацион дастурлар учун инновацион стартаплар	X	X	X	X	X	X
Инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш дастурлари	X	X	X	X	X	X
Кичик ва ўрта корхоналар инновацион фаолиятини кредитлаш бўйича кафолатлар						X
Кичик ва ўрта инновацион корхоналарнинг акционерлик капиталини шакллантиришдаги давлатнинг иштирок (венчур молиялаштириш)		X			X	X
ИТТКИ натижаларини коммерциализациялаштириш учун грантлар						X
ИТТКИ ва савдо соҳасини технологик ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари	X ²⁾	X	X	X		X
ИТТКИ ва савдо соҳасини технологик ривожлантиришни бюджетдан субсидиялаш	X					X
Илмий-техник тадқиқотларни тўлиқ ҳаётийлик циклини молиялаштириш (инновацион ғоядан бозорга чиқгунга қадар бўлган даврда)				X		X
Илмий-техник тадқиқотлар соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича грантлар		X				X
Инновацион саноат кластерларини қўллаб-қувватлаш	X			X		X
Халқаро донор ташкилотлар (Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки ва ҳ.к.) маблағларидан илмий-техник тадқиқотларни молиялаштириш учун грантлар ажратиш		X	X	X	X	X

Изоҳ: 1) қўлланилиши мумкин, лекин вақтинча тўхтатилган; 2) қонуний асоси ишлаб чиқилган, ammo амалиётга жорий этилмаган; 3) қўлланилиши мумкин, лекин ҳали қўлланилмаган; 4) доим қўлланилмайди, асосан шахсий маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларига кўра, СПЕКА таркибига кирувчи мамлакатлар ичида фақатгина Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий-техник тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатда корхоналар инновацион ривожлантириш бўйича барча деярли барча дастаклар амал қилади. Ушбу ҳолат СПЕКА таркибидаги бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда корхоналар инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашга маълум бир даражада кўпроқ эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Бу эса, ўзоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш имконини беради.

Шу ўринда, таҳлил этилаётган бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг институционал асосларини қиёсий таққослаш лозим бўлади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

СПЕКА мамлакатларида корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг институционал асослари [12]

Мамлакат	Бизнес-инкубаторлар	Технопарклар ва инновацион марказлар
Озарбайжон	«INNOLAND» инкубациялар ва акселерациялар маркази; «SIL», «BBF», «Youth Inc», «Ildrac Technology» ижтимоий инновациялар лабораториялари; «Innova Startup Factory» стартап лойиҳалар фабрикаси; «Lotfi Zadeh» технологик маркази	Миллий фанлар академияси ҳузуридаги Юқори технологиялар парки; Бакин муҳандислик университети технопарки; Озарбаёжон Давлат нефт ва саноат университети ҳузуридаги «EAZI» стартап маркази; ADA Университети инновациялар лабораторияси; «Barata» инновациялар ва тадбиркорлик маркази
Қозоғистон	QazTech Ventures, Astana Hub инкубациялар ва акселерациялар дастурлари; Назарбаев университетининг «NURIS», «MOST» номли илмий тадқиқотлар ва инновациялар тизими	«Astana Hub» ИТ-стартаплар бўйича халқаро технопарк; «TechGarden» Инновацион технологиялар парки
Қирғизистон	«John Galt» хусусий Бизнес-инкубатор; Қирғизистондаги «Accelerate Prosperity» (Бизнес-жадаллаштирувчи); Қирғизистон ҳукумати ҳузуридаги Инновацион марказ; Университетлар ҳузуридаги 11 та бизнес-инкубаторлар	И. Разоқов номидаги Қирғизистон давлат техника университети Технопарки; Қирғизистон давлат қурилиш, транспорт ва архитектура университети Технопарки; Ош Технологик университети Технопарки; Қирғизистон ҳукумати ҳузуридаги Инновацион марказ
Тожикистон	Давлат Бизнес-инкубатори; Тожикистондаги «Accelerate Prosperity» (Бизнес-жадаллаштирувчи);	Тожикистон Технологик университети ҳузуридаги «Фановар» Технопарки (Душанбе); Академик М.С. Осими номидаги Тожикистон техника университети Технопарки; Россия-Тожикистон университети Технопарки
Ўзбекистон	Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Инха ва Амити университетлари ҳузуридаги тўртта инкубацион марказлар; Ўзбекистон ИТ Парки; Business Compass	Яшнобод Технопарки (Тошкент); Ўзбекистон ИТ Парки

2-жадвал маълумотлари таҳлиliga кўра, СПЕКА мамлакатлари орасида сон жиҳатдан Қирғизистонда корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш имконини берувчи илмий-техник тадқиқотар ўтказиш имконини берувчи жами 18 та институционал бирлашмалар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улардан 14 таси бизнес-инкубаторлар, учтаси технопарк ва биттаси инновацион марказ ҳисобланади. Озарбаёжонда эса кичик ва ўрта корхоналар инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида учта ихтисослашган технопарклар, шунингдек, давлат сектори учун тегишли бўлган иккита бизнес-инкубаторлар мавжуд бўлиб, яқин келажакда мамлакатда яна бешта шу турдаги илмий-техник тадқиқотлар учун хизмат кўрсатувчи объектларни қуриш режалаштирилган.

3-жадвал

СПЕКА мамлакатларининг Глобал инновацион индекс (ГИИ) рейтинги бўйича кўрсаткичлари ва ўринлари [13, 14, 15, 16, 17]

	ГИИ-2017 кўрс. / ўрни	ГИИ-2018 кўрс. / ўрни	ГИИ-2019 кўрс. / ўрни	ГИИ-2020 кўрс. / ўрни	ГИИ-2021 кўрс. / ўрни
Озарбайжон	30,58 / 82	30,20 / 82	30,21 / 84	27,23 / 82	28,4 / 80
Қозоғистон	31,50 / 78	31,42 / 74	31,03 / 79	28,56 / 77	28,6 / 79
Қирғизистон	28,01 / 95	27,56 / 94	28,38 / 90	24,51 / 94	24,5 / 98
Тожикистон	28,16 / 94	26,51 / 101	26,43 / 100	22,23 / 109	23,9 / 103
Ўзбекистон	–	–	–	24,54 / 93	27,4 / 86

3-жадвал маълумотлари асосида ўрганилаётган бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида корхоналар инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари самарадорлигига баҳо бериш мумкин бўлади. 2017-2021 йилларда эълон қилинган Глобал инновацион индекс маълумотлари таҳлиliga кўра, ўрганилаётган даврда фақатгина Ўзбекистоннинг рейтинг кўрсаткичлари яхшиланганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатларининг инновацион индекс кўрсаткичларида пасайиш вужудга келган.

Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан Марказий Осиё минтақасида жойлашган мамлакатлар ўртасида саноат корхоналарини инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, минтақадага барча мамлакатларда корхоналар инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича муаммолар мавжуд бўлиб (4-жадвалга қаранг), уларни асосан мамлакатларнинг инновацион салоҳиятининг пастлиги, саноат корхоналари ва фан соҳалари ўртасидаги алоқадорликнинг қониқарсизлиги, корхоналар инновацион фаолиятини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги билан тавсифланади.

4-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида саноат корхоналарини инновацион ривожланишидаги мавжуд муаммолар [12]

№	Корхоналар инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар	Муаммо мавжуд бўлган мамлакатлар	
		Мамлакатлар сони	Мамлакатлар
1.	Мамлакатнинг илмий-техник тадқиқотларни ўтказиш салоҳиятининг пастлиги	7	Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон
2.	Административ тўсиқлар ва коррупция	4	Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон
3.	Стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги	4	Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон
4.	Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасининг пастлиги	4	Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Ўзбекистон
5.	Кадрлар салоҳиятининг пастлиги	4	Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон
6.	Давлат мансабдорлари малакасининг пастлиги	3	Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон

№	Корхоналар инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар	Муаммо мавжуд бўлган мамлакатлар	
		Мамлакатлар сони	Мамлакатлар
7.	Сиёсат мувофиқлилик даражасининг пастлиги	3	Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон
8.	Яратилган шарт-шароитларнинг қониқарсизлиги	3	Озарбайжон, Тожикистон, Ўзбекистон
9.	Саноат корхоналари ва фан соҳаси ўртасидаги алоқадорлик даражасининг қониқарсизлиги	2	Қозоғистон, Қирғизистон
10.	Тижорат соҳасидаги ваколатларнинг қониқарсизлиги	2	Озарбайжон, Туркменистон
11.	Таълим тизимидаги камчиликлар	2	Қирғизистон, Тожикистон
12.	Ички бозор сиғимкорлиги ҳажмининг камлиги	2	Афғонистон, Қирғизистон

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналари бошқаруви амалиётида инновацияларни ўзлаштиришга қаратилган бошқарув амалиёти ташкил этилган бўлиб, мазкур бошқарув механизми асосида саноат корхоналари томонидан тараққий этган мамлакатлар амалиётидаги инновацияларни ўзлаштиришга устуворлик қаратилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналарида инновацияларни ўзлаштиришга асосланган саноат корхоналари бошқаруви механизми¹

Ушбу ҳолат мамлакатларда ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ошириши билан бир қаторда мамлакат ички бозорида юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқларида қайта ишловчи саноат корхоналари фаолиятини кенгайтириш орқали глобал қўшилган қиймат занжиридаги мамлакатнинг иштирокини кенгайтириш имконини беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналари бошқарувида инновацияларни ўзлаштиришга қаратилган бошқарув узоқ муддатли истиқболда кўзланган натижаларга эришиш имконини бермайди. Чунки, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар саноат корхоналари амалиётига янги инновацияларнинг жорий этилиши бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналари томонидан ўзлаштирилаётган инновацияларнинг маънавий эскиришига олиб келади. Натижада корхона томонидан янги инновацион лойиҳаларни ўзлаштириш зарурияти вужудга келади. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши жиҳатидан тараққий этган мамлакатлар саноат корхоналари амалиётига қарамлигини вужудга келтиради.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги вазиятларни инобатга олган ҳолда, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида кейинги йилларда саноат корхоналари инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлашда қуйидагиларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- саноат корхоналари бошқарувида инновацион лойиҳаларни ўзлаштиришга қаратилган бошқарув механизмидан босқичма-босқич янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга ихтисослашган бошқарув механизмига ўтиш;

- корхона ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда илмий тадқиқот институтлари, жумладан олий ўқув юр்தларининг юқори малакали мутахассислари ва олимларини жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида миллий иқтисодиёт тармоқлари ва фан соҳалари ўртасидаги илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- олий ўқув бртлари томонидан юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш, жумладан, ўтилаётган дарсларнинг амалиёт билан бевосита боғлиқлигини таъминлаш;

- давлат томонидан саноат корхоналарининг инновацион ишланмаларга бўлган мавжуд эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда инновацион лойиҳалар бўйича фундаментал ва амалий грантлар танловларини эълон қилиш;

- мамлакатларда амалга оширилаётган илмий-техник тадқиқотлар, жумладан, фундаментал ва амалий грантлар сифатини ошириш;

- саноат корхоналарида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш;

- саноат корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштиришда халқаро донор ташкилотлар маблағларидан самарали фойдаланиш;

- кичик ва ўрта саноат корхоналари ўртасида инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида билдирилган таклифлар бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар саноат корхоналарини узоқ муддатли истиқболда инновацияларни ўзлаштиришга ихтисослашган бошқарув амалиётидан янги инновацияларни ишлаб чиқувчи корхона бошқарувида ўтиш имконини беради. Бу эса мамлакатлар иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. <https://lex.uz/ru/docs/3913188>

2. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлисга мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>
3. Шумпетер Й. Теории экономического развития. / Й. Шумпетер. – М.: Экономика, 1995й. – 540 с.
4. Дандон Э. Инновации: как определять тенденции и извлекать выгоду / Э. Дандон. - М.: Вершина, 2006. - 304 с.
5. Храмова Н.А., Ахматова А.А. Теоретические основы управления инновационной деятельностью предприятия. // Стратегии бизнес / Электронный научно-экономический журнал. № 10 (54). 2018. С. 18-22.
6. Зайнуddинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).- Т.:“Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи”, 2020. - Б.540.
7. Мамадалиев А.А. Иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизидан фойдаланишни такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.: 2017. – Б.28;
8. Шодиева Д. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. - Т.:2020 Б.58;
9. Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: (DSc) дисс. автореф. –Т., 2021, -Б.81;
10. Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капитали-нинг ривожланиши. Монография. -Т.: Iqtisod-Moliya, 2014. -180;
11. Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш // Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2020. 60 б.
12. На пути к технологической трансформации стран СПЕКА: инновационный императив для устойчивого развития. Справочно-аналитический документ для второй сессии Рабочей группы СПЕКА по инновациям и технологиям для устойчивого развития, 20-21 октября 2021 года, Бишкек (Кыргызстан), и шестнадцатой сессии Руководящего совета СПЕКА, 19 ноября 2021 года, Ташкент (Узбекистан). 60 с.
13. Global Innovation Index 2017: Innovation Feeding the World / World Intellectual Property Organization, 2017. – p. 463. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2017.pdf
14. Global Innovation Index 2018: Energizing the World with Innovation / World Intellectual Property Organization, 2018. – p. 430. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2018.pdf
15. Global Innovation Index 2019: Creating Healthy Lives – The Future of Medical Innovation / World Intellectual Property Organization, 2019. – p. 451. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019.pdf
16. Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? / World Intellectual Property Organization, 2020. – p. 448. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf
17. Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the Covid-19 Crisis / World Intellectual Property Organization, 2021. – p. 226. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf